



**ШАНБА  
СОНИ**



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 ноябр  
Сотувда эркин нархда  
№ 237-238 (2534-2535)

## ШУДГОР

**Республикамызда кузги шудгор қизғин давом этмоқда. Барча техника ва имкониятлар ишга солинган. Ҳар доимгидек бу ишда ҳам Андижон вилояти деҳқонлари пешқадамлик қилишмоқда. Вилоятда ҳозиргача шудгорлаш лозим бўлган майдоннинг 96 фоизи сифатли қилиб ҳайдаб қўйилди.**



Фарғона, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси деҳқонлари ҳам ушбу муҳим агротехник юмушнинг моҳиятини тўғри тушуниб, ҳозиргача 70-77 фоиз майдонни шудгорлаб қўйдилар. Лекин

### **БУ ТАДБИР СИРДАРЕ, НАВОИЙ, БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА НИҲОЯТДА СУСТ.**

Эндигина мавжуд ерларнинг 32-42 фоизи шудгорлаб бўлинганини қандай тушуниш мумкин? Ахир, ҳозирги илиқ-қуруқ кунлардан унумли фойдаланиш, барча имкониятларни тўла ишга солиш керак эмасми?

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов жаноби олийларига!**

*Муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич! Авваламбор, кўҳна ва буюк цивилизация бешикларидан бири бўлган қуёшли Ўзбекистон заминидан Шарқ миниатюра санъатининг беназир намоёнаси, буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги тантааларида қатнашиш бахтига мурасар бўлганимиздан беҳад мамнулимизни изҳор қилмоқчимиз.*

*Мамлакатингиз ҳаёти билан танишар эканмиз, Ўзбекистон мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ислохотлар йўлидан изчил бориб, ҳавас қилгулик ютуқларни қўлга киритганига шохид бўлдик. Жамиятдаги тинчлик-тотувлик, одамлар қалбидаги буюк келажакка ишонч, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва бағрикенглик бизни бағоят хушнуд этди.*

*Энг муҳими, Ўзбекистонда ёш авлодни ҳаётбахш ва эзгу гоялар, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилаётгани, бу хайрли ишлар, муҳтарам Президент, бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётгани, айниқса, қувончлидир.*

*Биз биламизки, дунё фани ва маданияти ривожига, инсониятнинг маънавий камолотига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодлар меросининг қадрлини, асраб-авайлашни ва тегран ўрганилиши авлодлар парвози учун куч-қувват беради.*

*Ана шундай улғу зотлардан бири бўлган Камолиддин Бехзоднинг ижодий анъаналари барҳайтига, Шарқу Фарбда мўйқалам соҳиблари учун, Сиз ўз қутловингизда таъкидлаганингиздек, ибрат ва илҳом манбаи бўлиб келаятганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.*

*Камолиддин Бехзод даҳоси, унинг ўлмас асарлари бундан буён ҳам инсониятни гўзаллик ва эзгуликка чорлашига, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаверади.*

*Биз, халқаро илмий анжуман қатнашчилари, муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини қўлга киритилаётган улкан ютуқлар билан самимий муборакбод этамиз. Мустақиллик ва тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан бораётган саховатли ўзбек халқига тинчлик-омонлик, мамлакатингизга юксак раванқ ва фаровонлик тилаймиз.*

**“Камолиддин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати” халқаро илмий анжумани қатнашчилари.**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 23 ноябр.

**Стадионни... артист қурди**

«Тошкент шаҳар «Қоратоп» маҳалласида бултур ёшларнинг ўзи йиғилиб футбол жамоалари тузишди ва мусобақа бошланди. Бозор иқтисоди эмасми, ўртага йиғилган пул совринга қўйилди. Ундан ортиқ маҳалладаги командалар майдонга тушишди. Бу мусобақага на ҳокимият, на маҳалла, на мактаб, на ЖЭК бош қўшди. Минг афсуски, мусобақа қизғин кетаётди, орага гирром аралашди».

**15-бет**

**Соиб Хўжаев менга уйланганларидан... 16-бет**

**Ким Президент бўлади?**

Ҳозирча нарасмий ҳисоб-китобларга кўра, Жорж Буш Альберт Гордан устун келиб турибди.

**12-бет**

**Энди нима қиламан? 3-бет**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

**Кеча Олий Мажлис Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишни Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева олиб борди.**

**Дилбар ТУРҒУНОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

Депутатлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи томонидан мазкур Қонун ижроси ўрганилган. Йиғилишда Тошкент шаҳрида унинг бажарилиши борасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ва шаҳар ОИТС марказлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва унинг тегишли бошқармалари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «ОИВ/ОИТС касаллигини аниқлаш тартиби», «ОИВ/ОИТС касаллигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтишининг санитария қоида ва меъёрлари» барча даволаш-профилактика муассасалари,

дезинфекция станциялари ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига етказилган. Унга мувофиқ касалхоналарда ишлатиладиган барча қон ва қон препаратларини лаборатория текширувидан ўтказиш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, йиғилишда таъкидланганидек, бир қатор текширилган даволаш-профилактика муассасаларида хусусан шаҳардаги 3,6-туғруқхоналар, тери-таносил касалликлари диспансери, наркологи диспансерларида ОИВ/ОИТС касаллиги профилактикасига, унинг парентерал йўл билан тарқалмаслигига етарлича эътибор берилмаётганлиги аниқланди.

Жорий йилнинг 9 оyi мобайнида Тошкент шаҳар ИИББ профилактика бошқармаси ва жойлардаги тизим ходимлари томонидан шаҳар

тери-таносил касалликлари диспансерига 1663 нафар «хавфли гуруҳ»га мансуб бўлган аёллар тери-таносил касалликлари даражасини аниқлаш учун юборилган, уларнинг 963 нафариди ҳар хил турдаги тери-таносил касалликлари аниқланган. Текширув жараёнининг ўзида ўтказилган икки кунлик тадбир пайтида 31 нафар аёл тери-таносил диспансерига юборилиб, уларнинг ўн бир нафариди тери-таносил касалликлари (заҳм, сўзак, трихомониаз) аниқланди. Заҳм касаллигига чалинган, яшаш жойи аниқ бўлмаган ва фуқаролиги бўлмаган шахслар даволаниб чиққандан кейин уларнинг тақдирини кузатиб бориш имконияти йўқлиги маълум бўлди.

Дори-дармонлар билан таъминлаш 10 фоизни ҳам ташкил қилмайди, ажратилаётган маблағ эса етарли эмас.

Қўмита йиғилишида аниқланган камчиликлар атрофича муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликларига, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва унинг тегишли бошқармаларига текширув жараёнида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тўғрисида тавсиялар берилди.

## «Ўзбекфильм» жаҳонга чиқмоқда

«Ўзбекфильм» студияси ўзининг бетакрор услуби, миллий хусусиятларга бой ва кизиқарли кўплаб фильмлари билан нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам юксак обрў-эътибор қозонган.

Ўзбек киноси тарихини «Ўзбекфильм» студияси фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Мазкур ижодий жамоада суратга олинган тўрт юздан ортиқ сара фильмлар кино санъатининг ёрқин намунаси, миллиатимиз гурури, ифтихоридир. Улар орасида жаҳон киносининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Тошкент - нон шаҳри», «Сен етим эмассан», «Севишганлар», «Нафосат», «Аччиқ данак», «Оппоқ, оппоқ лайлақлар», «Ўтган кунлар» каби фильмлар бор.

Эътиборлиси шундаки, «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти таъғаси туширилган кўплаб фильмлар халқаро кинофестивалларда юқори баҳоланган. Ҳозирда ҳам студия маҳсулоти Берлин, Нью-Йорк, Деҳли, Сараево, Москва, Варшава каби дунёнинг ўнлаб шаҳарлари кино-театрларида намойиш этилмоқда.

Киностудиянинг ишлаб чиқариш базаси, айниқса иш жараёни Буюк Британия, АҚШ, Юнонистон, Беларус, Россия, Япония каби давлат-

лардаги етакчи кино-компаниялар продюссерларининг юксак баҳосига сазовор бўлган. Шу боис, улар самарали лойиҳалар устида ҳамкорликда ишлаш таклифларини билдирмоқда. Ҳозирда ўзбек киноси ижодкорлари «Кодак», «Марубени», «Ханс Людвиг Шудит», «Пантера» сингари дунёга машҳур компаниялар билан манфаатли алоқалар ўрнатган.

Айтиш мумкинки, миллий истиқлол гоёлари студия ижодини янги мазмун билан бойитди, унинг маҳсулотлари га ҳаётийлик бағишлади. Ҳозирда бу ерда умумбашарий ва миллий қадриятлар асосидаги янги-янги экран асарлари яратилмоқда. Чунончи, ҳар йили олтига тўла метражли, тўртта мультипликацион фильм ва «Зумраша» болалар юмористик киножурнали тайёрланмоқда, кўп серияли видеофильмлар суратга олинмоқда.

Кеча «Ўзбекфильм»да унинг фаолиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда киностудиянинг тарихи, келгуси режалари ҳақида гап борди. Сўзга чиққанлар кино санъати ижодкорларининг келгуси ишларига муваффақиятлар тилади.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев сўзга чиқди.

**Ўқтам Дўстёр,  
ЎЗА мухбири.**

### Тадбиркор фермер

«Фаттоев» фермер хўжалигининг нафақат Пешку туманида, балки вилоятда ҳам ўз ўрни бор. Хўжалиқнинг ривожланиши тадбиркор Ёқуб Фаттоев раҳбарлиги билан боғлиқ. Биргина, ўтган йилги натижаларга назар ташласак, хўжалиқ қарамоғидаги 107 бош қорамол, жумладан, 46 бош соғин сизирдан 148 тонна сут, 12 тонна гўшт олинди. Гўштва топширилган молларнинг ўртача вазни 620 килограмми ташкил этди. Фермернинг ўз маблағи ҳисобидан ҳар сменада 6 тонна сутни қайта ишловчи завод қуриши натижасида 10 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

СУРАТДА: сут соғувчи Гулмира Ҳамраева.

Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА)  
олган сурат.



### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Хитойнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган «СІПС» компаниялар гуруҳи бошқаруви раиси Ван Цзюн бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, «Ўзавтойўл» концерни раиси Р.Юнусов билан музокара ўтказди.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиши ҳамда хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришда замонавий автомобиль ва темир йўлларнинг аҳамияти катта. Шу боис кейинги йилларда юртимизда халқаро талабларга жавоб берадиган кенг ва раво йўллар қурилиши кенг кулоч ёймоқда. Ҳукуратимиз амалга ошираётган бундай йирик лойиҳаларга хорижий компанияларнинг қизиқиши катта. «СІПС» ҳам шулар жумласидандир.

Музокаралар чоғида меҳмонлар мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами билан таништирилди. Халқаро темир ва автомобиль йўллари қурилишида мамлакатимиз йўлсозлари билан ҳамкорлик борасида фикр алмашилди. «СІПС» томони Буюк Ипақ йўлини тиклашда иштирок этиш нияти борлигини маълум қилди.

Хитойлик меҳмонлар молия, танқи иқтисодий алоқалар вазирликлари ва айрим бошқа муассасаларда ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА).

### САКСОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга Саксония (ГФР) иқтисодиёт ва меҳнат вазири К.Шоммер бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Германиялик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Атаев билан учрашди.

Хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқалари мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда кимё саноати, электр-энергетикаси тизими, қурилиш, йўлсозлик соҳаларини такомиллаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш айна кундаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада катта тажрибага эга немис ишбилармонлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Музокаралар чоғида меҳмонлар бир неча соҳаларда ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик қилиш, хусусан, электр-энергетикаси соҳасидаги айрим лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш истагини билдирди.

Саксония делегацияси аъзолари Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» уюшмасида ҳам бўлди.

(ЎЗА).



Кони фойда  
ихтиролар

Мамлакатимизда энергетика дастури жадал амалга ошириляпти. Энергетика ва автоматика институти олимларининг самарали изланишлари эса республикамиздаги йирик нурхоналарни янги замонавий қурилмалар билан қуролантириш учун мустақкам илмий-техник негиз яратмоқда. Илмий жамоа тадқиқотлари асосида мураккаб техник мосламаларнинг тажриба-саноат намуналари юзага келди. Тошкент ГРЭСида нефть куйкумларини тозалашда улар технологик восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Энергетик олимлар ишлаб чиққан алгоритм ва дастурлар Сирдарё ва Навоий нурхоналарида тажриба синовидан яхши ўтди. Таллимаржон ГРЭСида техникавий автоматик тизимни жорий этишда ҳам бу каби ишланмалар қўл келди. Электр қувватини тежашга доир тадқиқот натижаларини жорий этиш «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига йилига 43 миллион, «Ўзпахтасаноатсавдо» корхонасига 60 миллион сўмлик иқтисодий фойда келтирди.

Самарали

синоптик-статистик усул

Мамлакатимизнинг ҳар бир аэропортида махсус хизматлар авиаторларни об-ҳаво маълумотлари билан таъминлайди. Тошкент, Самарқанд ва бошқа аэропортларда авиация об-ҳаво станциялари фаолият кўрсатмоқда.

Ўрта Осиё Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтини ана шу ҳудудий станцияларда булутлар ва шамолнинг тезлиги ва йўналиши, авиация учун хавфли бўлган туман, муз ва бўронлар устидан кузатувлар олиб бориб, бой тажриба орттирган. Шамол тезлигини аниқлашга хизмат қиладиган янги ишланма Бухоро, Қарши, Термиз ва Самарқанд аэропортларида яқинда синовдан ўтди. Бу янгилик энг яхши синоптик-статистик усул сифатида Ўзбекистон Гидрометеорология Бош бошқармаси синоптикларининг тезкор фаолиятига татбиқ этилди.

Акбар АЛИЕВ.

Истиқлол ғояси

ва ёшлар

Тошкент Давлат юридик институтини «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоладини талаба ёшлар орасида тарғиб этишнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ёшларимизнинг буюк келажакка эътиқодини нималар сусайтиради? Аввало, ёт мафқуралар. Ёт мафқуралар ва уларнинг қолдиқлари фақат Ўзбекистондан ташқарида эмас, ичкарида ҳам бор. Ташқаридан келганлари диний экстремизм, «Ватан» тушунчаси эскирган, ҳозир ер сайёрасини «Ватан» деб тушуниш керак, деган ғояни тарғибот қилувчи космополитизм, ичимиздаги таҳдидлар — беғамлик, лоқайдлик кўринишларидир.

Меҳнатсиз даромад топишга ружу қўйган, миллат тарихи, тақдирини бир чақага олмайдиган, иродаси бўш, бошқа миллатлар турмуши, кийими, удумига кўр-кўрона тақлид қилувчи, ота-онаси юзига оёқ қўйган, ҳеч кимга вафо қилмайдиган ёшлар душманининг мафқуравий қопқонига тушади. Энди биз бир-биримизга кечагидек муносабатда бўлмаслигимиз керак, деб таъкидланди анжуманда. Чунки биз — Буюк Ўзбекистонни қураймиз, келгусида фаровон ва осойишта яшайдиган одамлармиз.

«Туркистон-пресс».

Солиқ  
тизимини

— Корхонангизнинг номи нима? — сўраймиз сменадан чиқиб келаётган қизларга юзланиб.

— Корхонамизнинг номи йўқ. Илгари бу ерда пойафзал иш-

лаб чиқариларди. Энди эса дока, бўз тўқиб чиқаряпмиз.

Ҳақиқатдан ҳам, шундай. Избоскан тумани Тўртқўл қўрғонида бир пайтлар гуруллаб ишлаб турган пойафзал фабрикаси кейинчалик банкротга учрагач, Андижон шаҳридаги «Хикмат-S» фирмаси томонидан 22 миллион сўмга сотиб олинди. Фабрика қўлга киргач, фирма раҳбарлари унинг битта биносини тадбиркор Александр Севлякянга олти ойга ижарага беришди. А.Севлякян фирмага ҳар ойда 40 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаб борадиган бўлди.

Бино каттагина эди. Энига 18, бўйига эса 40 метрдан кам эмасди. Бемалол рисоладаги тўқув цехини жойлаштириш мумкин. Арман йигити ёш бўлса ҳам минг тешикка кириб чиққан экан, аллақайлардан 100 та тўқув дастгоҳи топиб келиб, унинг 64 тасини ишга тушириб юборди. Ён-атрофдаги маҳалларда беиш юрган 53 нафар аёлни, электрчилар ва чилангарларни ишга ёллади.

Қани энди шу ишлар қонуний бўлса. Қонуний эмас-да. Станоклар қаердан олинганлиги ҳақида бирорта ҳам ҳужжат йўқ. Ишчилар билан тузилган шартномалар телба-тескари. Корхона на маҳаллий ҳокимлик, на солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтган. Шунга қарамай фабрика июл ойидаёқ яширинча маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган экан. Ҳаш-паш дегунча 6,5 миллион сўмлик маҳсулот тўқиб чиқарибди.

— Хомашёни қаердан олаяписиз? — сўрадик номсиз фабриканинг «қўлбола» раҳбари А.Севлякяндан.

— Избоскан ип-йигирув фабрикаси, Шахрисабз тўқув-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари қўллаб туришибди. Ўртада шартномамиз бор.

Ҳайрон бўлдик. Ҳеч қаерда рўйхатдан ўлмаган корхона билан улар қандай қилиб шартнома тузишди экан.

Маълум бўлишича, номсиз корхона Избоскан ип-йигирув фабрикасидан норасмий шартнома асосида 5417,6 килограмм калава олиб, ундан 5.200 минг сўмлик бўз ва дока тўқиб чиқарибди-да, яна шу фабриканинг

ўзига сотибди. Шахрисабз тўқув ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти билан ҳам шундай шартнома тузилган экан. А.Севлякян ундан 4317 килограмм калаванинг ҳар килограммини хомашё сифатида 100 сўмдан сотиб олиб, тайёрланган маҳсулотни яна ўзига оширилган нархда пуллаб, ой сайин даро-

бия» хусусий кичик корхонаси махсус лицензияси бўлма-са-да бензин билан савдо қилаётганлиги маълум қилинган эди. Шу маълумот асосида тезкор ходимлар ўтказган текширув давомида бир тонна бензинни давлат белгиси 17 Д 3593 бўлган «ЕрАЗ» русумли автомашинада тегишли ҳужжатсиз олиб келаётган фу-

НОМСИЗ



КОРХОНА

қаро Дилмурод Мамадалиев қўлга тушди. Суриштирув давомида у бу бензинни «Робия» кичик корхонаси хўжалик мудири Мухторжон Исроиловдан 125 минг сўмга сотиб олганлиги маълум бўлди.

Солиқчилар дарҳол йўлни кичик корхона омборхонаси томон солдилар. Бу ерда 45 тонна бензин ўз харидорларини кутиб турарди. Уни кичик корхона раҳбари Исроилжон Жўраев уч кун олдин республика «Савдоэнерго» акциядорлик жамияти филиалидан ҳар литрини кўтарасига 55,2 сўмдан расмийлаштириб, энди 125 сўмдан сотишга киришган эди. Дастлабки тонна учун тўланган 125 минг сўм кассага кириши билан солиқчилар савдонинг белига тепиб қолишди. И.Жўраевга нисбатан жиноят иши очиқлиб, суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Суриштирув давомида ҳар литри 55,2 сўмдан сотиб олинган ёнилги бензин эмас, балки Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ёғ-мой саноати учун чиқарилаётган экстрабензин бўлиб чиқди. Бунини Андижон «Нефт» маҳсулотлари бошқармаси лабораторияси мутахассислари ҳам тасдиқлашди. Экстрабензин нега ўз манзилига етмай бу томонларда «адашиб» юрганлиги ҳозир қўпчилик хайрон бўлаяпти. Шу боисдан ҳам солиқчилар ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишларини яна ҳам чуқурлаштирмоқдалар.

Маълум бўлишича, Исроилжон Жўраев бир пайтнинг ўзида ҳам «Савдоэнерго» жамияти Андижон филиалига, ҳам «Робия» хусусий кичик корхонасига раҳбарлик қилар экан. «Савдоэнерго» корхонаси учун Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидан махсус кўрсатма бўйича юборилган 71 тонна экстробензиннинг бир қисмини у «Робия» кичик корхонаси омборига тушуриб, шу ердан ими-жимиди «сув» қилишга киришибди. Энди бу хуфя ишга алоқадор бўлган учарлар бирин-кетин қармоққа илинаверади.

Ж.НОСИРОВ,  
Андижон вилояти.

## М. САФАРОВ

Алп Эр Тўнганинг номи ва тарихий фаолияти, азбаройи қадимийлигидан афсоналар, асотирлар ва ривоятларга чулғаниб кетган. Тарихда Алп Эр Тўнга (форслар уни Афросиёб дейишади) шахсиятига ва тарихий фаолиятига муносабат ҳам анча мураккаб. Масалан, «Авесто»да Афросиёб (Франграсийан), «ёвуз туроний» дейилади. «Авесто»дан кейин орадан 20 аср ўтиб, Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шохнома» дostonлар туркумида Эрон халқлари ўртасида Афросиёб номи билан боғлиқ равишда кенг тарқалган афсоналар, ривоятлар қаламга олинган. Ўтмишининг яна бир салмоқли тарихий обидаси — Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида шундай маълумотлар бор: Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб, Жайхун дарёсидан (Амударёдан) ўтиб, Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул қилди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкни ҳам унга топширмоқчи бўлган. Лекин бу вилоят ўзига вақтинча бериб қўйилган жой эканлиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилиб ва кўпроқ ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди...

Фирдавсийнинг «Шохнома»сида ҳам Афросиёб тақдири шу тарзда талкин этилган. Шу эпосдан ўрин олган Сухроб ва Сиёвуш ҳақидаги дostonларда айтилишича, Афросиёб Сиёвушни ўлдиргач, орадан йиллар ўтиб, унинг ўғли Кайхисрав (аслида, Афросиёбнинг невараси) отасининг хунини талаб қилиб Турон-заминга қарши уруш бошлайди ва бобоси Афросиёбни ўлдирди. Бундан олдин «Авесто»да ҳам Афросиёб (Франграсийан) тақдири шундай кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, «Авесто»да ҳам, «Шохнома»да ҳам, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида ҳам Алп Эр Тўнга (Афросиёб) форс мулкнинг душмани, ёвуз подшоҳ сифатида талкин этилган. Албатта, Алп Эр Тўнга ҳақидаги бундай қараш Мидия заминига Афросиёбнинг ҳарбий юришлари таъсирида шаклланган.

Буюк бобокалонимиз, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳам ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» («Эрон подшоҳлари тарихи») асарида «Шохнома»даги Афросиёбга тааллуқли афсоналар ва Эрон халқи орасида мавжуд ривоятлар таъсиридан қочиб қутулмаган. Алишер Навоий Афросиёбни Эрон подшоҳларидан бири тарзида кўрсатади, лекин у мамлакат иқтисодиётини, халқ аҳолини яхшилаш ўрнига босқинчилик урушларини авж олдириди, деб ёзади. Навоийнинг ёзишича, Афросиёб

«оз ерда маъмурлик қилди, йиғочларни кести ва иморатни йиқти ва коризлар билан булоғларни кўмди». Атоқли шарқшунос олимлар тарихдан хулоса чиқариб айтганларидай, Афросиёб замонида Эрон худудиди туркийлар билан кураш эрон миллий анъаналари, мавжуд афсоналар, ривоятлар нуктаи назаридан талкин этилган. Бу «Авесто»да ҳам, «Шохнома»да ҳам, «Тарихи мулуки Ажам»да ҳам яққол сезилиб туради.

Бироқ Алп Эр Тўнгага яна

тўртликлар:

**Алп Эр Тўнга ўлдими,  
Ёмон дунё қолдими,  
Замона ўчин олдими,  
Энди юрак йиртилур.**

**Замона фурсат кузатди,  
Ўғри тузоқ тузатди,  
Беглар бегини (йўлдан)-  
оздирди,  
Унинг кўлидан қандай  
қочиб кутулди?**

**Замона кучсизланди,  
Ёмон, ёвузлар кучайди.  
Фазилат соврулиб битди,**

бир шахс сифатида кўрсатилади. Бироқ Махмуд Қошғарий ўз китобида Алп Эр Тўнганинг бунёдкор давлат арбоби бўлганлигини тасдиқловчи далилларни келтиради. Масалан, унинг китобида айтилишича, Алп Эр Тўнга фарзандлари ва унинг ўзи тасарруфидаги мамлакатларда қатор шаҳарларни барпо этган.

Мана, айрим далиллар: «Қоз — Афросиёб қизининг номи. Қазвин шаҳрини шу қургандир. Асли «Қоз ўйини» — гоз ўйналадиган жой демак-

маълумот берувчи Наршахийнинг «Бухоро тарихи»да Алп Эр Тўнга (Афросиёб) куёви Сиёвушнинг ўғли Кайхисрав томонидан — отасининг хуни талаби билан — Туронга юриш уюштирилиб, ўлдирилганлиги ҳақидаги афсоналарни эсладик. Бироқ Махмуд Қошғарий китобида келтирилган туркий халқлар орасида яшаб келаётган марсия-қўшиқларда Алп Эр Тўнга жангда эмас, балки Кайхисрав томонидан ҳийлагарлик билан ўлдирилгани

# Алп Эр Тўнга

бир бошқача қараш ҳам асрлардан-асрларга ўтиб келаяпти. Бу иккинчи қараш — Алп Эр Тўнганинг ўз она Ватанида шаклланган ва яна афсоналар, ривоятлар, халқ қўшиқлари ва марсияларида ўз ифодасини топган. Энди бу заминда мавжуд маълумотлар бизга Алп Эр Тўнганни тамомилла бошқача бир тарзда намоян этади.

Бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билик» (1069) асарида Алп Эр

**Дунё беги кўлдан кетди.**

**Бўри бўлиб улидилар,  
Йиртиб ёқа турдилар,  
Йиғлаб-сиқтаб юрдилар,  
Кўз ёшлари кўл бўлди...**

Бу марсия Буюк Турк давлатининг ҳукмдори, номдор саркарда Алп Эр Тўнга ҳалокатига бағишлаб яратилган ва турк эли ўртасида узоқ минг йиллар давомида яшаб келган.

Хуллас, Алп Эр Тўнга милoddан олдинги VII Туронза-

дир. Чунки Афросиёб қизи шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди...» Яна битта далил: «Афросиёб бу ерда Тахмурасдан уч юз йил кейин Марвни барпо қилгандир» (3-жилд, 163-бет). Манбаларда Қум шаҳрининг тарихи ҳам Алп Эр Тўнга номи билан боғланади. Маълумки, Қазвин ва Қум шаҳарлари Эронда, Озарбайжон сарҳадларида яқин жойда.


Алп Эр Тўнга ўз замонасининг қудратли ҳукмдори эди. У туркий элатлар бошини

тўғрисида маълумотлар берилади. Бу марсия-қўшиқларда айтилганидай, Афросиёбга «ўғри тузоқ қўйган», яъни ганимлар фитна уюштирган. Бу қандай фитна? Бунинг тафсилоти шуки, милoddан аввалги 629 йилнинг кузида Кайхисрав Мидия заминиди Урмия кўли бўйида оқ чодир текиб, турк ҳукмдори Афросиёб шарофатига катта зиёфат уюштиради. Зиёфат, ўйин-кулги, базм ярим оқшомгача давом этади. Алп Эр Тўнга ва унинг саркардалари бунинг даҳшатли фитна эканлигини хаёлига ҳам келтирмайдилар. Мидия шоҳи Кайхисрав Алп Эр Тўнгага «садокати»ни изҳор этиб кетма-кет қадаҳлар кўтаради. Кайхисрав охириги қадаҳни яна бир марта Алп Эр Тўнганинг шухрати ва куч-қудрати учун кўтаришни таклиф этади. Алп Эр Тўнгага узатилган бу сўнги қадаҳ ўз ишини қилди. Унга захар солинган эди...

Кайхисравнинг ёвуз режаси амалга ошди. Келишувга биноан, Кайхисрав саркардалари, аввало, турк саркардаларини йўқ қилди. Ҳали тонг ёришмаган эди. Кейин Мидия кўшинлари энди кўзлари илинган турк кўшинлари устига ташланадилар. Уйқусираган ва, энг даҳшатлиси, лашкарбошисиз қолган турк кўшинлари ҳамлани даф этишга улгурмай қолдилар.

Шундай қилиб, Афросиёб ўлди ва салтанати ҳалокатга юз тутди. Алп Эр Тўнганинг ўлими бутун турк халқини изтиробга солди. Улар ғамгин қўшиқлар тўкиб, Алп Эр Тўнга ўлиmidан кейин дунё ёмон одамлар кўлида қолгани, ёвузлик кучайгани, фазилатлар совурилганини фарёд-нолалар билан баён этдилар.

Бироқ Алп Эр Тўнга номи ва тарихий фаолияти тарих varaқларида сақланиб қолди. Унинг шаънига қўшиқлар битилди. Қаҳрамонлиги ривоятларни дунёга келтирди. Энг муҳими, «Ўзбекистон — давлат тузумига шўро замонасидагина эришди» дейдиган калтабин шахсларга Алп Эр Тўнга 3 минг йиллар нарёғидан қатъият билан: «Нодон бўлманг, Туронзамин 3 минг йил аввал ҳам қудратли ўз давлатига эга эди» деб огоҳлантириб тураверади.



Тўнга ҳақида сўзлар экан, уни «Турк бекларининг сараси, оламга овозаси тарқалган баҳодир», дейди. Яна шундай фикрларни айтади: «Алп Эр Тўнганинг билими улғу, хунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Тожиклар уни Афросиёб деб аташган».

Худди ўша XI асрда яшаган буюк туркшунос олим Махмуд Қошғарий «Девону луғатит-турк» (1074й) асарини ёзиш учун материал тўплаб, юқори Чин, Марказий Осиё, Сибир ва бошқа туркий қабилалар яшайдиган ўлкаларни кезиб чикқан. Жумладан, Алп Эр Тўнга ўлимига бағишланган марсиянинг парчаларини халқ оғзидан ёзиб олган. Абдурауф Фитрат эса «Девону луғатит-турк» асосида бу марсия тўртликларини маълум бир тартибга келтириб, «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927й) китобида эълон қилган.

Мана, ўша марсиядан

миннинг қудратли бирлаштирувчилик салоҳиятига эга буюк ҳокони бўлган. Салтанатининг пойтахти Самарқанд шаҳри эди. Бежизга қадимги Самарқанд-Мароканда кейинчалик Афросиёб номини олмаган. Махмуд Қошғарий Самарқанд у пайтларда «Семизкент» деб аталганлигини айтади. Семизкент — ўзига тўқ, обод, фаровон шаҳар, деган маънони англатади. Махмуд Қошғарий шундай дейди: «Туркларнинг улғу хони Афросиёбни Тўнга Алп Эр деб атар эдилар. Бу — йўлбарс каби кучли, баҳодир демақдир» (3-жилд, 379-бет) Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб халқ хотирасида мавжуд маълумотлар, ривоятларга таяниб, Алп Эр Тўнганинг юксак камолот соҳиби, ўз даврининг теран билимдон намояндаларидан бири, кўпгина хунарлар эгаси бўлганлигини далolat қилади. Биз кўрдикки, айрим манбаларда Алп Эр Тўнга вайронкор

қовуштириб, буюк искиф-турк турк давлатини яратган. Бежизга халқ кўшиғида у «Беглар беги» дейилмайди. Демак, у ўз давлати таркибига талайгина бекликларни бирлаштирган. Жумладан, форс ўлкаси ҳам унинг тасарруфида бўлган. Қадимги юнон муаррихи Геродот ўз «Тарих»-номасининг биринчи китобида Турк (искиф) давлатининг илк подшоиси Партотуа Оссурия, Урарту, Миср, Фаластин ерларини ҳам эгаллаганлигини айтади. Алп Эр Тўнга бошлиқ сак (искиф) турк давлати милoddан аввалги VII асрда вужудга келиб 28 йил ҳукм сурган Турк (искиф) давлати ўз даврининг нафақат қудратли, шу билан бирга обод, маъмур ўлкаси бўлган. Бу давлат пойтахти Семизкент (Самарқанд) фаровонлиги шундан далolatдир.

Биз юқорида «Авесто»да, «Шохнома»да, уларга таянган холда Афросиёб тўғрисида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 13 ноябрдан 18 ноябргача бўлган маълумот)

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Яқка тадбиркорлар — дон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ун ажратиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Макроиқтисодстат вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан келишилган.

2000 йил 16 ноябрда 983-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 26 ноябрдан кучга киради).

2. «Ўзозиковқаттаъминот» давлат-акциядорлик компанияси томонидан импорт бўйича харид қилинадиган ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларига чекланган чакана нархларни белгилаш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан тасдиқланган ва «Ўзозиковқаттаъминот» ДАК билан келишилган.

2000 йил 16 ноябрда 984-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 26 ноябрдан кучга киради).

3. Бюджетга қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва мансаб жадвалларини Молия вазирлигида ҳамда молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартибига 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

2000 йил 18 ноябрда 849-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 28 ноябрдан кучга киради).

### II. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.

2. Тоғ ишларини ривожлантириш режаларини, рудадан қимматбаҳо металллар параметрларини олиш ва Ўзбекистон Республикаси олтин казиб олиш корхоналарининг тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрларини келишиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.

3. Техник-иқтисодий асослар, қурилиш лойиҳа-

лари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Давархитект-қурилиш томонидан тақдим этилган.

4. Хатлов вақтида аниқланган камомад ва ортиқчаларнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳамда уларга солиқ солиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

6. Ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишдаги қоидабузарликлар учун иқтисодий жазони қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

### III. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг оила (жамоа) пудратларида ва бошқа ички хўжалик бўлинмаларида чек дафтарчаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.

2. Тижорат банклари томонидан акция ва облигацияларни чиқариш ҳамда рўйхатга олиш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.

3. Давлат акциялар (пайлар) пакетини ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидалари. ЎзР Давлат мулк кўмитаси томонидан тақдим этилган.

4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олиш учун тўловлар тартиби. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган.

5. Ишлаётган ногиронлар учун меҳнат жараёнининг зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари, оғир ва жиддий кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитини баҳолашнинг гигиеник мезонлари. Республика меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти томонидан тақдим этилган.

6. Ногиронларни ишга жойлаштириш учун тавсия этиладиган ишлар ва касблар (мутахассисликлар) турлари рўйхати. Республика меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институти томонидан тақдим этилган.

7. Ўзбекистон Республикасида ташқи рекламани жойлаштириш тартиби тўғрисида низом. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан тақдим этилган.

8. Рекламани жойлаштириш тўғрисида низом. ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан тақдим этилган.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгилаган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг автотранспорт фаолиятини лицензиялаш тўғрисида вақтинчалик низом. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан қақриб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.  
Саволлар ва таклифлар учун телефонлар:  
133-38-67, 132-00-28

# ОҒРИҚ?

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ


## АПАЛЬГИН

(500 мг аналгин) оғриққа қарши куч.

Ўт сафро (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори

## АСПАЛЬГИН

Бу дори кучли оғриқни босади



ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ.

# “СУВЖИҲОЗГАЗ”

Ўзбекистон — Житой қўшма корхонаси тежамкорликни бугунги куннинг асосий шиори деб билган хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз маҳсулотларини тавсия қилади

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

- Улардаги:
- юқори сезгирлик;
  - узоқ муддат хизмат қилиш;
  - аниқ ўлчаш;
  - газни орқага ўтказмаслик;
  - бежирим ташқи кўриниш;
  - арзон нарх

каби хусусиятлар юқори сифатдан далолат. “Сувжиҳозгаз” харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мабойнида носозликлар чиқиб қолса бепул таъмирлаб беради.

Сизнинг тежамкорлигингиз — келажакка мадад!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси 20-даҳа, 19/3-уй.  
Тел.: 117-15-42,  
117-15-54,  
117-15-56.



3511

# Қўшни давлатга бормоқчи бўлсангиз...

— Абдувоҳид ака, имзоланган битимларда махсус визалар орқали кириб-чиқиш белгиланган. Айтинг-чи, юртимизга келмоқчи бўлган тожикистонлик фуқаро, аввало, нима қилиши керак бўлади?

— Мамлакатимизга келиш истагини билдирган тожикистонлик фуқаро сафарга чиқишдан олдин Ўзбекистоннинг Душанбедаги элчихонасига умумий фуқаролик паспорти, ўзбекистонлик бирор шахс ёки ташкилотнинг чақирув таклифномаси билан муурожаат қилиши керак бўлади. Элчихонада у виза анкета-сўровномасини тўлдирди ва тегишли ҳажмдаги фотосуратларини ҳам тақдим этди. Тожикистонга бормоқчи бўлган юртимиз фуқароси учун ҳам худди шундай тартиб амалга оширилади. Битимга кўра бундай визалар бир ойдан бир йилгача бўлган муддатга берилди.

— Бу борда фуқароларимизга имтиёзлар берилганми?

— Албатта, имтиёз бор. Ҳар иккала мамлакатнинг ҳақиқий дипломатик паспортларига эга бўлган фуқаролари у ёки бу давлат ҳудудига визасиз ўттиз суткагача бўлиб туришлари мумкин. Бундан ташқари худди шу муддат мобайнида расмий давлат ва ҳукумат делегациялари таркибиде сафар қилаётганлар ҳам визасиз тегишли давлат ҳудудига кириб-чиқадилар.

Қўшни давлатга хизмат сафарига отланган мансаби вазир ўринбосаридан паст бўлмаган ва хизмат даражаси жиҳатидан уларга тенглаштирилган мансабдор шахслар, шунингдек, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, туманларнинг, республика ва вилоят бўйсинувидаги шаҳарларнинг ҳокимлари, ўринбосарлари қўшни давлатда визасиз ўттиз суткагача қолиш имкониятига эгадирлар.

Ҳар иккала мамлакатнинг чегара яқинидаги туманлари ва шаҳарларида доимий яшовчилар бевосита чегара яқинидаги ҳудудларга узоғи билан беш кун кириб-чиқиши ва қолишларига рухсат этилади. Шу ўринда айтиш керакки, фуқаролик авиацияси, ҳаво кемаларининг экипаж аъзолари, поездлар, йўловчи ташиш, темир йўл транспорти билан ташиладиган юкларни кузатиб борувчилар, ҳукуматлараро фелъегерлик алоқаси ходимлари ҳам ҳар икки давлат ҳудудига визасиз кириб-чиқиш ва заруратга қараб маълум муддатга қолиш тартиби кўзда

**Маълумки, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон Республикалари билан Ўзбекистон ўртасида фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисида ҳукуматлараро Битимлар имзоланганди. Бундан кўзланган мақсад ушбу мамлакатлар ўртасидаги борди-келди муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва тартибга солишдан иборатдир. Ушбу битимларда белгиланган тартиб-қоидалар асосида ҳужжатларни расмийлаштиришнинг йўл-йўриқлари хусусида республика Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Абдувоҳид АБЗАМОВ билан суҳбатлашдик.**

тутилган. Яна бир томони бошқа республика ҳудудига жойлашган иккинчи давлат объектларига бизнинг хизмат кўрсатувчи мутахассисларимиз хизмат гувоҳномалари ва миллий паспортлари асосида муайян чегара масканлари орқали чиқиш-кириш ҳуқуқига эгадирлар.

— Агарда қирғизистонлик фуқаро Ўзбекистондаги қариндоши-нига оилавий бўлиб шахсий автомашинасида келадиган бўлса, қандай ҳужжатларни расмийлаштириш талаб этилади?

— Бунга етарли шароитлар яратилган. Айтилик, бир давлат ҳудудидан учинчи мамлакатга транзит тарзида ўтаётганлар йўл чиптаси, келган ёки кетаётган пайти тасдиқланган бошқа ҳужжат асосида ушбу давлатда уч сутка мобайнида визасиз бўлишлари таъминланади.

Иккала давлатнинг ҳам фуқаролари ўз ҳудудидан чиқиш ёки унга етиб келиш шарти билан 3 сутка мобайнида темир йўл транспорти ва автомобиль транспортида бошқа давлат ҳудудига транзит тарзида ўтишлари мумкин.

— Визаларни расмийлаштиришдаги тўлов миқдори қанча белгиланган. Бунда тўловлардан озод қилинадиганлар ҳам борми?

— Саволингиз кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Бундай консуллик йиғимларининг миқдори

ўзаро келишув асосида виза берилмаётган муддатнинг узоқ-қисқалигига қараб 4 АҚШ доллари-дан 20 АҚШ долларигача белгиланган. Бунда 16 ёшга тўлмаган ўсмирлардан консуллик йиғими умуман ундирилмайди. Шу билан бирга имзоланган битимларда айрим тоифадаги кишиларнинг бундай йиғимларни тўлашдан бутунлай озод қилиниши тўғрисидаги махсус банд мавжуд. Унга кўра фан ва техника, маданият ҳамда спорт соҳаларида ўзаро алмашинув юзасидан сафар қилаётган шахслар мазкур тоифага киритилган. Бу тартиб яқин қариндошларнинг қабрларини зиёрат қилишга бораётганларга (йилига бир марта етти суткадан ошмаган ҳолда) ҳам тегишлидир. Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, 1-2-гуруҳ ногиронлари ҳамда 60 ёшдан ошганлар ҳам консуллик йиғимларини тўлашдан озод қилинадилар. Қўшни давлатдаги ўқув юртларида таълим олаётган талабалар ва турли ўқув курслари тингловчилари ҳам ушбу имтиёздан фойдаланишади.

— Юқорида баён этилган талабларга риоя этиб, визалар билан келган қўшни юрт фуқароларининг мамлакатимизда бўлиш тартиби қандай?

— Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ва Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони асосан тартибга солинади. Унга кўра юртимизга уч кундан ортиқ муддатга келган бошқа давлат фуқароси ички ишлар идораларидан вақтинчалик рўйхатдан ўтишлари керак. Бунинг учун уни чақирган Ўзбекистон фуқароси ҳамда келган шахснинг аризалари ва паспорти тақдим этилади. Ва ундан вақтинчалик рўйхатдан ўтганлиги учун белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

— Тартибни бузганлик учун қандай жавобгарликлар белгиланган?

— Ҳар қандай чет эл фуқароси Ўзбекистонда бўлиш тартибини бузган ҳолда амалдаги қонунларга кўра жавобгарликка тортилади. Яъни бундай шахслар маъмурий жавобгарликдан бошлаб, жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

**«Халқ сўзи» мухбири  
Эркин МАВЛОНОВ  
суҳбатлашди.**

## Жарима солинди

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи фуқаро М.Неъмонова таҳририятга йўллаган мактубида қўшнилари бирининг хонадониде доимий равишда мол сўйилаётганлиги, чиқитлар ўз вақтида йиғиштириб олинмаётганлиги туфайли атрофта қўланса ҳид тарқатганлиги, бу эса санитария талабларига зид эканлиги тўғрисида ёзганди.

Туман давлат санитария нazorати, ветеринария инспекцияси, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, экология ва тозаликни назорат қилиш бўлими ходимлари Маннон Уйғур маҳалласи вакили иштирокида аризада келтирилган даъволар текшириб чиқилди, дейилди туман ҳокими биринчи ўринбосари жаноб Х.Содиқовнинг газетга юборган жавоб мактубида.


Ҳақиқатдан ҳам, «Қизил гунча» кўчасидаги 7-уйда ҳеч қандай шароити бўлмаган ҳолда, вилоятлардан рухсатсиз келтирилган, айна пайтда си-

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

фатига кафолат бўлмаган қўй ва эчки сўйиш ташкил қилинган. Жойнинг санитария-техник ҳолати қониқарсиз, канализация тизими ўтказилмаган, чиқиндиларни йиғиш жойи ташкил қилинмаган. Хонадон чиқиндиларни ташиб кетиш юзасидан туман санитария тозалаш дирекцияси билан ҳамда зарарсизлантириш ишларини ўтказиш учун «САНИТА ДЭЗ» жамоа корхонаси билан шартномалар тузмаган.

Юқорида қайд этилган санитария-ветеринария қоидаларига риоя қилиш ва эпидемияга қарши кураш тартиблари бузилганлиги учун хонадон эгаси Х.Ахматовга ушбу фаолиятини зудлик билан тўхтатиш тўғрисида тавсиянома берилди ҳамда далолатнома тузилиб, туман ДСЭНМнинг қарори билан 12250 сўм жарима солинди.

Тавсияноманинг бажарилишини назорат қилиш маҳалла кўмитасига ва нозирга топширилди.



Жонингизга жон бўлай...

## Отага тик боқма...

Криминал

...Деразадан тушаётган заррин нур отанинг муздек юрагига бироз бўлса-да, илиқлик бахш этар, қаердадир хонаданнинг қўшиғи янгради:

**«Отага тик боқма,  
иймонинг сақла,  
Фарзандан, сен доим  
бурчингни оқла...»**

Йўқ. Отанинг кўзларидан ёш оқмасди, фақат қўшиқ ажига чиққан сайин дилидаги оғриқ зўрарди, холос.

Отанинг хўрлиги келди. Олтмиш тўққиз йил умр кечириб, бундайн хўрликни билмаган отанинг бўғзига «нега?» деган савол тикилиб қолган эди.

«Нега ҳаётга келди? Нега оила қурди, бола-чақали бўлди? Нега ўғил ўстирди? Нега?..» Саволларнинг адоғи кўринмас, ота ўйлаб, ўйининг тагига етолмасди.

— Кўп сиқилаверманг отахон, бош миангиз чайқалган, ёпиқ жароҳати ҳам бор, — деди шифокор далда бериб. — Отага мушт кўтарган у оқпадар (1966 йилда туғилган Ш. Асрорхўжаев) албатта жазосини олади. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, бир нобакор ўғил деб, абгор қилманг ўзингизни.

Отага бош миясидаги ёпиқ жароҳатдан кўра юрагидеги

жароҳат кўпроқ азоб берар, ўттиз тўрт йил ўғлим деб, охириқабат ундан мушт еган пенсионер отанинг қалби унсиз инграрди...

...Ҳамон қўшиқ янгради, у дилни тилка-пора қиларди:

**«Отага чўп отсан,  
кун ўтиб бир кун  
Фарзандинг сенга тош  
отмоғи мумкин!..»**

Отанинг кўз олдига шу тобда темир панжара ортида ўтирган ўғли келди-ю, эшитилар-эшитилмас шивирлаб қўйди:

— Илоё, фарзандинг тош отмасин...

ҚОНУНДАН ҚОЧГАННИНГ  
ИСТИҚОМ  
МАНЗИЛИ МАЪЛУМ

Ойнаи жаҳон орқали қайсидир олимпияда ўйинларида аёллар ўртасида югуриш бўйича ўтказилаётган мусобақага тикилиб ўтирган бувимнинг: «Ё тавба, югургунча туғса бўлмайди-ми, булар...» деганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қуйидаги жиноий иш билан таниша туриб, беихтиёр ана шуну эсладим.

Шайхонтохур тумани «Марказ-14»даги уйларнинг бири олдида, номаълум шахс 1947 йилда туғилган Р. Засоринанинг ёнига аста яқинлашиб, унинг қўлидаги сумкасини юлиб олди-ю, «мингга қўйиб» кетди. Сумкада 200 минг сўм пул бор эди. Кўрилган тезкор чора-тадбир натижасида «югуриш бўйича рекордчи» ашъвий далил билан қўлга олинди. У «Марказ-14»да яшовчи 1960 йилда туғилган Роза бўлиб чиқди.

Олимпиадачи аёллар-ку олтин медал учун югуришган эди. Қирқ ёшни қоралаган «Роза опа»нинг югургани не боис? Дарвоқе, қонунни ҳатлашга-ҳатлаб, жазодан кўрқиб югурганларнинг манзили эса... маълум...

**Шухрат ИКРОМОВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ  
матбуот маркази ходими.**

## DUSHANBA 27

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахилнома».  
8.45, 17.55 ТВ-маркет.  
8.50 Лирик тараоналар.  
9.10 Кино янгиликлари.  
9.25, 12.35 ТВ-метео.  
9.30 «Узлик». Бадий-публицистик кўрсатув.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР  
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
10.25 «Алп йигитнинг ўйлашиши». Бадий фильм.  
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолгулари оркестрининг концерти.  
12.05 Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».  
12.40 «Истиклол-истикболим».  
13.00 «Оталар чойхонаси».  
14.10, 17.25 ТВ-анонс.  
14.25 «Муносабат».  
14.45 Мультифильм.  
15.00, 18.45 ТВ-кино.  
15.10 «XXI аср талабалари».  
15.55 «Олмазор». Бадий фильм.  
17.35 Болалар ўйини «Ҳикमतлар хазинаси».  
18.10 «Муслик бекати».  
18.20 ТВ-патруль.  
18.30 «Тафсилот».  
18.50 «Бахтли воқеа».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Олам қўшиқчи тўлиси». Мусикий дастур.  
21.40 «Футбол шарҳи».  
«Пери» реклама каталоги,  
Радио «Гранд»,  
«Ювелирное обозрение»  
ойномаси (Москва),  
«M-Politan» журнали.

КЎРҒАЗМАНИНГ ИШ ВАҚТИ:  
СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА


Манзил:  
Ўзбекистон Бадий академиясининг  
Марказий кўргазма зали (Ш.Рашидов кўчаси, 40).

Кўргазмага таклиф этамиз!

Мулоқот учун телефонлар: 152-65-58, 152-64-47

«Ювелирия - 2000»





• Билганларимиз ҳақида билмаганларимиз

## Милошевич қамалиши мумкин



Югославия собиқ президенти Слободан Милошевич ўз лавозимидан кетгандан кейин ҳам хотиржам яшай олмапти. Яъни, ҳарбий жиноятлари учун Гаага трибунали томонидан айбланаётган Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич халқаро суд олдида имкон қадар тезроқ жавоб бериши керак. Собиқ Югославия буйича халқаро трибунал айбловчиси Карл дел Понте БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари қаршисида сўзга чиқиб, шу ҳақда маълум қилган.

Унинг таъкидлашича, С. Милошевичга нисбатан қўйлаётган жиддий айбловлар осонликча унутилмаслиги, собиқ президент содир этган ҳарбий жиноятлари учун жавобгарликдан қочиб қўйилмаслиги керак.

Гаага трибунаlining бош айбловчиси яқин кунларда Югославиянинг ҳозирги президенти Воислав Коштуничианинг тақлифига биноан Белградга боришини ҳам маълум қилди. Югославияга таширичи чоғида Карл дел Понте С. Милошевични халқаро трибуналга топшириш масаласини ҳам кўтаришини маълум қилди. Бу масалада у Югославия президенти Гаага суди билан ҳамкорлик қилишига умид билдирди.

## Жаҳоннинг энг зўр шаҳри

Буёқ Британиянинг бошқарувида бўлган Хитой ҳудудидаги Гонконг ороли Хитой таркибига киргач, ордан бор-йўги уч йил ўтиб, бизнес бора-бор «Осиёдаги энг яхши жой», деган унвонини яна қайтариб олди.



Кейинги 12 йил ичида бизнес олиб бориш бўйича дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаб борадиган «Форчун» журнали рейтингини бўйича, Гонконг Сингапурни орқанда қолдириб, яна биринчи ўринга чиқди.

Умуман, бизнес учун энг яхши шаҳарларни белгилашда нафақат дунёдаги 1,7 миң нафар глобал бизнес вакилларининг фикри, балки, ушбу шаҳарларда юқори малакали ишчи кучининг кўплиги, ҳукуматнинг барқарорлиги, телекоммуникация алоқаларининг такомиллашгани ва албатта, шаҳарда ҳаётнинг фаровонлиги қай даражада экани ҳам ҳисобга олинади.

## Перу раҳбари Японияда яшамоқчи



Маълумингизки, ўтган ҳафтада Перу президенти А. Фужимори Токиода туриб, истеъфо берганини расман эълон қилган эди. У ўз қарорини Перуда келаси йилнинг 8 апрелида бўладиган президент ва парламент сайловларига ҳалак бермаслик мақсадида қабул қилганини айтди.

Айни пайтда А. Фужиморининг истеъфоси мамлакатда турлича изоҳланмоқда. Масалан, аксарият перуликлар президентнинг истеъфоси негизда сиёсий сабаблар ётгани йўқ, у президентлик ваколатини ҳаддан зиёд ошириб юборган, демоқда. Шунингдек, порахўрлик билан боғлиқ кўпгина ҳодисалар ҳам А. Фужимори ва унга яқин кишилар номи билан боғланмоқда.

Энди А. Фужиморининг Японияда қолиб кетишига ҳаққи борми, деган саволга келсак. Унинг ота-онаси Японияда туғилган, ўзи ҳам япон миллатига мансуб. Бундан ташқари, бир йил яшаш ҳуқуқини берадиган япон паспортига эга. Шу боис у кунчиқар мамлакатда яшаш қолиш учун маҳаллий ҳокимиятдан ижозат сўраб ўтириши шарт эмас.

Ҳозирча Перуда сиёсий вазият издан чиққани йўқ. Яқинда парламент муваққат президентни сайлади. Унга кўра келаси йил апрелда бўладиган сайловга қадар янги президент мамлакатга раҳбарлик қилади.

## Президент истеъфо берди



Исроил-Фаластин:

## Муросанинг қийин йўли



Яқин Шарқда Исроил билан Фаластин ўртасидаги муносабатлар ҳамон таҳликалигича қолмоқда.

Хабарларга қараганда, қарийб икки ойдан буён давом этаётган зиддиятлар сабаб икки юз элликдан ошиқ киши қурбон бўлган. Жароҳатланганлар сони эса унданда кўплиги айтилмоқда. Энг ачинарлиси, ҳаво ҳужуми орқали вақти-вақти билан стратегик аҳамиятга эга бўлган иншоотларга зарба берилмоқда. Бундан ташқари, турли экстремистик гуруҳларнинг фаолияти авж олган. Табиий савол туғилади. Исроил-Фаластин жанжали нега қуролли тўқнашувлар тусини олмоқда? Бошланган уруш оловини ўчириш мумкинми?

Маълумки, бундан икки ой муқаддам Кэмп-Дэвиддаги мулоқотлар самарасиз яқунланган бўлсада, бироқ икки томонлама муносабатлар бирмунча илиқлашган эди. Ҳатто Исроил Бош вазири Эҳуд Барак Қуддуснинг Шарқий қисмини Фаластин маъмурияти ихтиёрига беришга ҳам розилиги тўғрисида гап-сўзлар пайдо бўлганди. Бу халқаро ҳамжамиятнинг катта эътирофига ҳам сабаб бўлди. Бироқ, ўша кунлари ҳукуматга муҳолиф «Ликуд» партияси раҳбари Ариэл Шароннинг Қуддусдаги ал-Ақсо масжидига боргани икки ўртада янги тўқнашувларнинг бошланишига сабаб бўлди. Ҳазор муносабатларда совуқчилик тушди. Нега?

Чунки А.Шарон 1967 йилда босиб олинган ал-Ақсо ҳудуди яҳудийларга тегишли деб даъво қилгани оқибатида ўртадаги низолар оммавий тус олиб, бугунги кунгача давом этмоқда. Гарчи «Ликуд» партияси етакчиси ўзининг мазкур қаламини фаластинликлар билан янада яқинлаштишга баҳона эди, деб изоҳлаган бўлса-да, унинг ортида чуқур ўйланган мақсад борлигини кўриш қийин эмас.

Фурқат САНАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўғри, ҳозирги кунда икки томон ҳам минтақада тинчлик жараёнларини ўрнатиш учун биргаликда саъй-ҳаракат қилишмоқда. Бу ўринда шу ойнанинг ўртасида Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ва Фаластин мухторияти етакчиси Ёсир Арафотнинг АҚШда бўлиб, Оқ уй раҳбари Билл Клинтон ҳамда БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан ўтказган музокараларини таъкидлаш жоиз. Зеро, гина-қудратларни бир четга қўйиб, мулоқот бошлаш, сиёсий келишмовчиликларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этишга киришишнинг ўзи муҳим қадам. Лекин ушбу учрашув вазиятни юмшатиши қийинга ўхшамоқда.

Маълум бўлишича, АҚШдаги музокараларда икки давлат раҳбарлари яқин фикрга келиша олишмаган. Фаластин раҳбари ўзаро мулоқотларда Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилларига икки мингга яқин тинчликсевар кучларнинг киритилиши масаласини илгари сурган бўлса, Исроил Бош вазири эса ушбу тақлифни рад этди. Биз Фаластин раҳбарлари билан воситачиларсиз ҳам музокара ўтказишга тайёрмиз, аммо минтақага хорижлик ҳарбийлар киритилишига қаршимиз, деган Бош вазир ўз сўзида.

Хўш, Исроил-Фаластин ўртасидаги муносабатларнинг бу даражада кескинлашувига жаҳон ҳамжамияти қандай қараяпти? Аввало шунини айтиш керакки, яқинда ўз ишини яқунлаган Исланд конференцияси ташкилотини саммити қатнашчилари мазкур ташкилот аъзоларига Исроил би-

лан барча алоқаларни узишни тавсия этди. 56 давлат раҳбарлари иштирок этган ушбу тадбирда Доҳа декларацияси қабул қилинди. Ушбу саммит доирасида имзоланган яқуний баёнотда эса 56 мамлакат бир овоздан Фаластин халқининг ўз ҳуқуқини тиклаш, муҳожир фаластинликларни уйига қайтариш, пойтахти Қуддус бўлган мустақил Фаластин давлатини ташкил этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни билдиришди. Қуни кеча эса Миср Исроилдаги ўз элчисини чақириб олиш ҳақида қарор қилди. Иордания ҳам худди шу усулни қўллади.

БМТ Бош котиби К.Аннан минтақадаги беқарорликка барҳам бериш учун томонлар имкон қадар тезроқ қуролли тўқнашувларни тўхтатиши зарурлиги, акс ҳолда бу ҳаракатлар бутун Яқин Шарқ бўйлаб тарқалиб кетиш хавфи борлигини билдирди. Очиги, ҳозирда Бош котиб юз бераётган воқеалар хусусида ташвиш билдиришдан нарига ўтмайпти, дейиш мумкин. Негаки, халқаро ҳамжамият айни пайтда юзага келган вазиятни баҳолашда бироз сусткашлик қилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг БМТнинг «Минг йиллик саммити» анжуманида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чораларни қўллаш, хусусан «тинчликка мажбур қилиш» ҳуқуқига эга бўлиши лозим, деб билдирган тақлифи нақалар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бутун ҳам жаҳон ҳамжамияти Исроил-Фаластин ўртасида тинчлик битими имзоланишини кутмоқда. Қолаверса, ҳозирда бутун дунё тинчлиги ва хавфсизлиги Яқин Шарқда осойишталикнинг ўрнатилиши билан ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Мадомики шундай экан, Исроил-Фаластин можароларининг тугашига бутун дунё халқлари тилакдош.

• Воқеалар, тафсилотлар, рақамлар

## Ким ғолиб бўлади?



Флорида штати олий суди президент сайловида қатнашган флоридалик сайловчиларнинг овозини қўлда санаб чиқиш тадбирини қонуний, деб эълон қилди.



Бу Флорида штатида сайловга масъул бўлган котиба Кэтрин Харрис натижани ҳали эълон қила олмайди, деганидир. Бюллетенларни битталаб санаб чиқиш учун кўп вақт керак бўлади. Маълумотларга

қараганда, сайлов натижаларини мамлакат Олий суди аниқлаб беради. Ҳозирча норасмий ҳисоб-китобларга кўра, Жорж Буш Альберт Гордан устун келиб турибди.

## Лазаренкони суд кутмоқда

Украинанинг собиқ Бош вазири Павел Лазаренкони иши АҚШ судида кўриладиган бўлди. Украина бош прокурори Михаил Потебенко АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шундай қарорга келганини маълум қилди. Давлатга тегишли юз

миллионлаб АҚШ долларини ўзлаштириб, ўзининг хорижий банклардаги ҳисобига ўтказганликда айбланаётган П.Лазаренко судга қадар Сан-Франциско қамоқхонасида сақланади. Унинг Украинага экстрадиция қилиниши масаласи суддан сўнг ҳал бўлади.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

# Саводсизлик ҳам шунчами?

Республикамиз олий ўқув юртлирида 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнига «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» курси киритилди. Энди шаклланиб бораётган бу фаннинг ўқитилиши нечоғли муҳим, долзарб эканлигини ҳаёт исботлади. Чунки талабаларда бу фанга ва у орқали мамлакатимизда юз бераётган чуқур сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ислохотларни ўрганиб, демократик жамият куриш қонуниятларини англаб олишга қизиқиш катта.

Мазкур фанга оид махсус дарслик, қўлланмалар ҳозирга қадар деярли йўқлиги олий таълимда меҳнат қилаётган ўқитувчиларни ҳам, талабаларни ҳам ташвишга солиб келарди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган «Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» китобининг нашр этилиб, тарқатилиши биз учун қувончли воқеа эди.

Афсуски, шахсан менинг қувончим узоққа чўзилмади. Китобни олиб, унинг бир неча варағини ўқигач, ҳафса-лам пир бўлди. «Нега?» — деб савол беришингиз табиий. Гап шундаки, мен яқин ўн йил ичида жамият-шуносликдан бундай пала-партиш, саводсиз ёзилган китобни учратмаган эдим. Китоб 328 бетдан иборат, 15 минг нусхада чоп этилган. Лекин унда мантикий, орфографик, грамматик хатоларсиз саҳифани деярли учратмайсиз. Ана шу «нодир» намуналардан айримларини куйида келтираман. Ўзингиз ўқиб, ўйлаб кўришга.

— «XIX аср охири XX аср бошларидаги тарихи (?) босқинчиликларни кўриб чиқайлик» — 14-бет.

— «бутун кишлолда(?) ўт қўйишди» — 17-бет.

— «...жамиятда **хукмрон бўлмаган** (?) мафкурага нисбатан фуқароларда ишонч-этиқод йўқола борди» — 37-бет (бу ерда гап коммунистик мафкура ҳақида боряпти!).

— «Горбачев умуман ҳаётни қайта куриш керак деган хулоса(?) келди» — 36-бет.

— «Давлат идорасининг(?) Президентлик

шакли» — 43-бет.

(Одатда, **бошқарувнинг Президентлик шакли**, дейилади).

— «Ўзбекистон қисқа вақт ичида халқлари (?) нисбатан катта ютуқларни қўлга киритди» — 57-бет.

— «1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги **декларациясини**(?) қабул қилди» — 59-бет.

(Аслида эса, бу куни «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Мустақиллик Декларацияси анча илгари — 1990 йилнинг 20 июнида қабул қилинган. Жамиятшунос олим буни билмаслиги, декларация билан қонун ўртасидаги фарқни билмаслиги мумкин эмас!).

— Автор: «Ўзбекистон Республикасининг давлат



байроғи Олий Кенгашнинг VII (?) сессиясида 1991 йил 18 ноябрда тасдиқланди» (69-бет) деб ёзади. Лекин Давлат байроғимиз ўша йил, ўша кунда ўтказилган VIII сессияда тасдиқланганини мактаб ўқувчиси ҳам билади.

Юқорида биз А. Мирзаев китобидан келтирган мантиқсиз, пала-партиш жумлалар ҳали ҳолва. Афсуски, сиёсий хатолар ҳам анчагина. Масалан, қўлланманинг 210-бетида шундай гапни ўқиймиз: «Мамлакатда ўтказилаётган... иқтисодий сиёсатнинг **натижасиз** (?) демократик ўзгаришлар қилиш(дан)... иборат». Гап Ўзбекистондаги демократик ислохотлар тўғрисида бормоқда! Китобнинг 8-бетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддаси кўштирноқ ичида тўлалигича берилган. Лекин ундаги **тизим** сўзи «тузум», **суд ҳокимияти** тушунчаси негадир «конституцион суд» деб берилган. Ҳолбуки жамиятшуносликда **тизим** тушунчаси билан **тузум** тушунчаси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

Иккинчидан, давлат ҳокимиятининг учинчи бўлаги фақат Конституцион суддангина иборат эмас. Бу тизим таркибида Республика Олий суди, Олий ҳўжалик суди ва вилоятлар, шаҳар ва районлардаги суд органлари ҳам бор.

«Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти» қўлланмасида юқоридагилардан ташқари ажойиб-ғаройиб сўзлар, жумлалар тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, «давлат меҳнати» (9-бет), «натурал хизматлар» (17-бет), «колониалистик сиёсат» (15-бет), «органик кўша олган» (7-бет), «ташқи сиёсий программа» (11-бет), «кўзғолон бошланшига холера бир барона (?) бўлсада» (18-бет), «ислохот» (31-бет), «эллита» (34-бет), «ошкоралик» (41-бет), «платформа» (41-бет), «эйтиқод» (54-бет), «вақолат» (62-бет), «ноғиронлар» (62-бет), «ҳалоқатли» (63-бет), «тўзиладиган» (67-бет), «маданиятсизлик этика» (38-бет), «фермерлар ташкил этилиб» (49-бет) ва х.к...

Китобнинг 11-бетида автор «Ўзбекистон мустақиллигини 150 дан ортиқ давлат тан олди», деб ёзган бўлса, 61-бетга келиб «160 дан ортиқ давлат тан олди» дейди.

Энг муҳими, қўлланмада республикамизда бунёд этилаётган демократик, ҳуқуқий давлат курилишининг қонуниятлари чуқур очиб берилмаган, ишонарли илмий таҳлиллар, мавзулар бўйича пишиқ-пухта хулосалар етишмайди.

Албатта, бу ўринда китоб муҳаррирлари М. Р. Ҳасанова, О. Ю. Усмонова, мусаҳҳиҳ Р. М. Хузиахмедоваларнинг масъулиятсизлиги, ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мирзаев қўлланмани яратиб учун муайян меҳнат сарфлаган, материаллар тўплаган. Лекин...

Афсус! Орзиқиб кутилган қўлланма унинг муаллифи ва бунга масъул шахсларнинг лоқайдлиги, бепарволиги, шошма-шошарлиги туфайли, мободо сифатсиз ўқув қўлланмалари танлови ўтказилса, менимча, биринчи ўринни олиши шубҳасиз.

**Н. УЛУҒҶОНОВ,**  
Андижон Давлат университети доценти,  
тарих фанлари номзоди.

## РАМАЗОН ОЙИНГИЗ МУБОРАК

Бир куни Аҳмад бин Қайсдан сўрабдилар:  
— Сизнинг ёшингиз улуг. Рўза тутиш жисмонан заифлашингизга сабаб бўлмасмикан?

У жавоб берибди:

— Мен ўзимни узоқ сафарга тайёрламоқдаман. Аллоҳга итоат этишга сабр қилиш, унинг азобига сабр этишдан кўра енгилроқдир.

Дарҳақиқат, бу фоний оламга ҳеч ким устун бўлолмайди.

На зару зийнат, на гўзаллик, на мансабу машварат... Нақл қилишларича, жаннатда биттагина эшик бор. Унинг номи Раййон деб аталаркан. Рўза машҳарда у эшикдан фақат рўза тутганлар кирадилар. Улардан бўлак ҳеч кимса бу эшикка яқинлаштирилмайди.

Биз бу муборак ой ичида не бир улуг кунларни, не бир кутлуғ тунларни ўтказмаймиз. «Лайлатул-қадр» тунни ҳаммамиз бедор бўламиз. Зеро, Аллоҳнинг каломи шарифлари — Қуръони Каримда ҳам «Лайлатул-қадр» кунининг фазилати минг ойдан кўра ҳам афзалроқдир. Бу тунда Аллоҳнинг изни бўйича ер юзига фаришталар ва Жабройил хайру барокот билан бирга тушадилар. У тун тонг оптунга қадар раҳмат тунидир («Қадр сураси»), деб таъкидланади.

Саодатли ўлкада ва саодатманд инсонлар орасидаги умргузаронлик эса бахт ва барокот қасридаги ҳаётнинг ўзгинасидир. Улуг айём арафасидаги тилагимиз ҳамиша шу: Сиз биродарларни ана шундай саодатманд ҳаёт ҳеч қачон тарк этмасин.

Рамазон	ноябр декабр	ҳафта кунлари	сахарлик тугаши	ифтор вақти
1.	28	Сешанба	5:42	16:59
2.	29	Чоршанба	5:43	16:59
3.	30	Пайшанба	5:44	16:59
4.	1	ЖУМА	5:45	16:58
5.	2	Шанба	5:46	16:58
6.	3	Якшанба	5:47	16:58
7.	4	Душанба	5:48	16:58
8.	5	Сешанба	5:49	16:58
9.	6	Чоршанба	5:50	16:58
10.	7	Пайшанба	5:51	16:57
11.	8	ЖУМА	5:52	16:57
12.	9	Шанба	5:53	16:57
13.	10	Якшанба	5:54	16:57
14.	11	Душанба	5:55	16:58
15.	12	Сешанба	5:56	16:58
16.	13	Чоршанба	5:56	16:58
17.	14	Пайшанба	5:57	16:58
18.	15	ЖУМА	5:58	16:58
19.	16	Шанба	5:58	16:59
20.	17	Якшанба	5:59	16:59
21.	18	Душанба	6:00	16:59
22.	19	Сешанба	6:00	17:00
23.	20	Чоршанба	6:01	17:00
24.	21	Пайшанба	6:01	17:01
25.	22	ЖУМА	6:02	17:01
26.	23	Шанба	6:02	17:02
27.	24	Якшанба	6:03	17:02
28.	25	Душанба	6:03	17:03
29.	26	Сешанба	6:04	17:04
30.	27	Чоршанба	6:04	17:04

**توبىلاش ۋە توبىلاش**

**توبىلاش ۋە توبىلاش**

\* Бахтли киши — фитналардан йироқ бўлган ва мусибат етганда сабр қилган кишидир.

\* Ота-онанинг вафотидан кейин уларнинг дўстларига яхшилик қилиш ота-онага яхшилик қилишнинг афзалидан ҳисобланади.

\* Сўзида туриш, аҳдида вафо қилиш имондандир.

\* Худди бош оғриғи бутун жасадни оғритганидек, бирининг ташвиши билан иккинчисининг ҳам ташвишланиши мўминлар зиммасидаги бурчлардандир.

\* Мўминларнинг молни ноҳақ ўзлаштирадиган кишилар қиёмат кунда дўзахга тушуурлар.

\* Қиёмат кунда одамларнинг энг паст даражаси дунёда одамлар унинг ёмонлигидан нотинч бўлган кишидир.

\* Аллоҳ таолонинг кишиларнинг ҳожатларини чиқарадиган бандалари бор. Одамлар улардан ёрдам сўрашади. Шундай ҳожатбарорлар охирада дўзах азобидан омондилар.

2001 йил буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудига 560 йил (вафотига 500 йил) тўлади. Навоий номи бизнинг ҳаётимизда кенг ўрин тутади. Вилоят, шаҳар, театр, сарой, боғ, кўчалар ва мактаблар унинг номи билан юритилади. Навоийга бағишлаб кўп адабиёт ва санъат асарлари ҳам яратилган.

Таниқли ёзувчи Омон Мухтор ўзининг узоқ изланишлари натижаси, янги «Ишқ аҳли» деган роман ёзди. Асарда улуг шоир ва мутафаккир ҳаёти ва ижоди ўзига хос, замондошимиз назари билан ўрганилади. Романнинг бир бобини газетхонлар эътиборига ҳавола қилаемиз.

## ОМОН МУХТОР

«Зафарнома» Шарафиддин Али Яздийни баёнсиз юксакликка кўтарди. Уни бутун шарққа (кейинчалик Фарбга ҳам) танитади. (Асар ўша даврда шу қадар тилга тушганки, Мавлоно Лутфий Қахрамонлик қиссаси деймизми, жангнома услубидами, уни шеър шаклда ифодалаган эди.) Шарафиддин Алини кўп муаррихлар устод ўрнида кўриб, уни энди «энг фазилатли киши», «қалами хусниҳат биттувчи жаҳон хуш таъбларининг нозик сўзлиси, «оқиллик буржининг порлоқ юлдузи» деб атайдилар. (Фарбда олимлардан Шарафиддинни камситиб, «ривоят ва ҳикоятни ара-лаштирган», «ширинкалом», ҳаттоки «маддоҳ» деб атаганлар ҳам учрайди. Лекин бу Шарқ ҳаёти, маданияти ва одобини билмаслик нишонасидир.)



Дунёда доим бўлмаса-да, учраб турадиган даҳшатли бир ҳол бор: ота билан боланинг душманлиги!

Бу — дунёқараш устида юзага келиши мумкин.

Яна:

тахт устида,  
мулк устида,  
аёл устида!

Бир кунлар Абдуллатиф («ўтар дунё маслаҳати учун») отаси Улуғбекни хизматкори Аббосга ўлдиртиради. Аммо, кўп ўтмай («салтанат Шеруяга вафо қилгонча анго қилди»), падаркуш Абдуллатифнинг боши кесилади. Улуғбек қурган мадраса дарвозаси пештоқига осиб қўйлади.

Тахт устида кураш — бир томон. Қўтилмаган хасталиклар, оёқ остидан чиққан фалокатлар, саргардонлик, ҳаммадан ўтиб тушадигани бир-бирини тушунмаслик ва кўролмаслик... гап фақат Абдуллатифда эмас, ўшанда шоҳлар ва шаҳзодаларни «гангитиб» ташлаган қисматми, шаронт... улардан ҳар бири ўзича бахтсиз, ҳаёти фоже эди!

Амир Темур вафот этганида, унинг Шоҳруҳ Мирзодан бўлак барча ўғиллари (Мироншоҳ ҳам, Умаршайх ҳам...) дунёдан ўтишган эди. Шоҳруҳ Мирзонинг ҳам ўзидан олдин навқирон ўғиллари (Иброҳим Султон, Султон Муҳаммад Жўги) кўз юмишади... Тунгич ўғил Улуғбек мамлакат тах-

тини эгаллаши керак (у қонуний ворис) эди (шунда балки, бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда «бузқўлик» даври бошланиши, халқнинг хонавайрон бўлишидан қутулиши мумкин, анча йил осойишта яшаш мумкин эди; Улуғбек доно ва одил, «Шарқнинг юксак фикрли ҳукмдори» эди), лекин катта-кичик шоҳлару шаҳзодалар (Алоудлава, Абусайид, Абдуллатиф) тахта ёпирилиб, ёпи-

Мулк ҳам.

Абдуллатиф ўз мулки деб ҳисоблаган (Ихтиёрдин саройидан топилган) ҳазиналарни Улуғбек мусодара қилдирган эди. Абдуллатиф буни кечирмайди.

Аёлми?!

Эҳтимол.

Абдуллатиф ёқтирган бир қиз (вақти келиб, Гули саройга тушганидек) Улуғбекнинг ҳарамига «адашиб» кирмаганмикин?! (Ёки, Абдуллатифнинг савдони ҳаёлида шундай манзара гоҳ-гоҳ жонланган бўлса-чи?!)

Ҳаётда одамлар шаҳодат бера олган ҳолатдан шаҳодат беролмайдиган ҳолат кўп!

(Мана, энди мақсадга яқинлашяпмиз.)

Улар (ота-бола) бири-бирига аввалдан-охири душманлик қилиб яшаганми?! Йўқ.

Улуғбек учун Абдуллатиф — фарзанд эди!

Бир гал Абдуллатиф асир тушган ва ўлдирилиши аниқ бўлган

Чўлнинг қоқ ўртасида идиш тўла сув нима қилиб турибди?! — тушуниш қийин эди.

Бунинг устига, сув — тиниқ, тоза, тотли эди.

Карвон (сарсон-саргардон кишилар) Машҳад, Шероз, Ироқда, яна Шерозда бир неча йил (тахминан уч йил) тургандан кейин, қайтиб Хиротга йўл олган. Хуросон нисбатан тинчигандек эди! Ҳамма ўз Ватани, уйига талпиниб, пароканда халқ Язд чўли орқали кун ва тун илдам босар эди.

Алишер энди «йигитча» (саккиз-тўққиз ёшда) эканлигидан (сўнгги ҳолат!), бировга ортиқча қарамай-эргашмай, ўзи от «ўйнатиб» боради. Тунда одамлар, беҳад толиқишганидан кўзлари қисилиб, бир мудраб-мункиб, бир уйғониб, гўёки туш дарёсида юздилар. Алишерни ҳам гафлат-уйку босади. Катталар уни «муҳофаза қилиб боришни унутиб» қўйишган; тизгини қўлдан чиқиб кетган от ўзини эркин сезиб, ўт чим-



Фақат ташналик азоби қолади! Унинг жисми-жони бир култум сув тилайди. Сўнг «неки бўлса, бўлмай».

Қўтилмаганда олис нуқтада — нимадир қора кўринади.

Бу — бирон хароба гумбазими, сипоҳими, даштдаги қуриган ёлғиз дарахтми?! Алишер барибир, шу томон от солади. Бораверади. Бораверади! Яқинлашганида, донг қотади. Каттакон ёғоч идишда сув! У одан сакраб тушиб, ютоқиб ичади. Отини ҳам суғоради. Қизик жойи, идишни ҳозиргина кимдир бу ерга келтириб қўйганга ўхшайди! Сув муздек. Тиниқ. Тоза, тотли.

Бир дам бурун ҳушидан кетиб йиқилиб қолса, бас. Бунга қаноат ҳосил қилган, ҳаётдан умидини узган эди! Сув билан бирга, унинг томирига қайтиб ҳаёт киради.

Шу кунни Алишер, Оллоҳнинг суйган бандаси эканман, энди яшайман, деб ўйлайди. Рўй берган ҳолат унга буюк бир мужда бўлиб туюлади.

Илк дафъа ЯШАШ НАҚАДАР ГАШТЛИ эканлигини ҳис этади.

ҲАЁТГА чексиз МУҲАББАТ бехосдан кўксини тўлдириб юборади...

(Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,

Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас —

Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.)

Биебон қаърида «пайдо бўлган» ёғоч идишдаги сув кейин, бир умр унинг хотирасида қолади! (Умуман, карвон Язд шаҳридан чиққанидан буён йўлда сув учрамаган эди!) У йиллар давомида, яна неча бора сарсон-саргардонлик кўриб,

оғир машаққатларга дучор, уринган-абгор, парча нонга зор, бир кимсалар уйида, қоронғи ҳужраларда бемор бўлганида, ҳар гал ўша ЁҒОЧ ИДИШНИ эслайди! Оллоҳга шукрона келтиради. Фараҳли дамлар етиб, кўркем қаср-саройларда — унинг шаънига мадҳиялар тўқилган,

барча таъзим қилиб-буқилган, кумуш косалар, олтин қадаҳларда

май тўлиб-тўқилган, бу лабдабалардан ўзича бироз сиқилганда ҳам,

ҳар гал у — ўша ЁҒОЧ ИДИШНИ эслайди!

Оллоҳга шукрона келтиради.

# ИШҚ АҲЛИ

(Романдан парча)

пайтда Улуғбек югуриб-елиб, ўзига бундан зиён етса-да, сулҳ тузиб, уни асирлик ва ўлимдан қутқаради. Шу боисдан, Абдуллатиф тўғрисида кейинчалик «отасининг улкан муҳаббатига куфрони неъмат қилди», дейишади.

Абдуллатиф учун Улуғбек — ота эди!

Бир гал Шоҳруҳ Мирзонинг невараларидан бири (Муҳаммад) унга қарши жангга киради. Енгилари. Шаҳзодага тегишли кишилар орасида... Шарафиддин Али Яздий ҳам асир тушади! Шоҳруҳ Мирзо Яздийни (отаси ҳақида китоб ёзган Буюк муаррихни) ўлимга ҳукм қилади. Шу пайт Абдуллатиф бобоси ёнида бўлади. У Шоҳруҳ Мирзодан бош эгиб, Шарафиддин Алининг қонини тилайди. Ўшанда ўз яқинларига, Бу одамни Самарқандга, Отамнинг олдига юбораман, отам бу Одамнинг қадрига етади, дейди. Шундай қилади ҳам! Фақат... шоҳлару шаҳзодаларнинг ўзаро жанглири, низолари, ўйинларидан чарчаган кекса Яздий ҳатто Улуғбекнинг ҳам олдига боргиси келмай, йўлга тушгандан кейин, Тафтга қараб кетади.

Яздий ҳаётига тегишли бу воқеалар ярим-ёрти бўлса-да, Алишернинг қулоғига чалинган. Тафтда ҳам, Тафтдан чиқиб кетаётган ҳам, эслайди.

У хонақоҳ айвонида учраган Яздийнинг юз-кўзида Амир Темур ва ўзининг Мавқе Эгаллаган Боболари қиёфасини кўргандек бўлади. Буюк Салтанат емирилиб бораётганини ва энди илож йўқ! — емирилиши муқаррар эканлигини ҳис этади (башорат қилади).

Қисмат бу тасолиф учрашувни буюрганидан ҳам мурол:

унга илк дафъа —

Мамлакатнинг Бахти, Осойишталиги

ўзига Боғлиқ Бўлиб туюлади!

Бахт ва Осойишталик —

унинг умри ЎЛЧОВИДА

қисқа, имкон-қадар бўлиши кераклигини ҳам —

у илк дафъа

БАШОРАТ ҚИЛАДИ!

«Қоратош» футболчилари

Акбар ЮНУСОВ.

# Стадионни... артист қурди

Нега Америка деб аталмиш юртда ҳатто қариялари ҳам эрта тонг сахардан туриб чопади. Уларни ҳеч ким мажбур ҳам қилмайди-ку. Бозор иқтисодига ўтган давлатдаги инсонлар биландики, спорт бу, энг аввало, иқтисодий фойдали. Касал бўлсанг даъвосига кўп пул кетади. Бу ҳаммага ўз-ўзидан аён нарса. Соғ ва бақувват инсон ҳамма соҳада ютиб чиқади, чидамли ва матонатли бўлади.

Спорт биз ўйлагандек давлатнинг иши эмас, ҳамманики. Хўш, бу гапларни нечун айтаяпмиз?

Тошкент шаҳар «Қоратош» маҳалласида бултур ёшларнинг ўзи йиғилиб футбол жамоалари тузишди ва мусобақа бошланди. Бозор иқтисоди эмасми, ўртага йиғилган пул совринга кўйилди. Ўндан ортиқ маҳалладаги командалар майдонга тушишди. Бу мусобақага на ҳокимият, на маҳалла, на мактаб, на ЖЭК бош кўшди. Минг афсуски, мусобақа қизгин кетаётди, орага гирром аралашди. Айримлар четдан профессионал футболчиларни пулга таклиф қилиб ўйнашди. Адолатсизлик рўй берган ерда баракат бўлмайди. Баҳс-мунозара, жанжал, ҳуллас мусобақа тугади.

Бу воқеа маҳалла жонкуярларини ўйлатиб қўйди ва «Ўзбекфильм» киностудияси

артисти Жамол ака Ҳошимов стадион қуришга аҳд қилди. Пули кўплигидан эмас, болажонлигидан, ўғил ва қизлари етилиб қолган, қанча пул бўлса оиласидан ортмайди. Истаган инсон йўлини топар экан. Энг аввал ўзинг ибрат бўл. Кетмон ва белкуррак, лўм-замбил топилди, коржомани кийиб ишга тушгандан кейин унга эргашадиганлар кўпайди.

Қурилишдан кейин қолган майдон бетон қолдиқлари, бузилган ариқлар, чуқурлар... Камина ҳам ҳашарда бўлдим. Ёш йигитлар келишди.

— Жамол ака, нима иш қилайлик?

— Офарин, кетмонни ол.

Бошқаси келиб иши борлигидан узр сўрайди. Шунисига ҳам раҳмат. Осма телефонларни белига таққан бойваччалар ҳам келди.

— Жамол ака, ёрдамчи олиб чиқайми?

— Йўқ, керак бўлса айтаман.

— Келинга айтаман. Неча кишилик овқат тайёрласин.

— Маҳаллада худойи бор, шунга борамиз.

Ҳомийларга ҳам иш топилди. Вали юздан ортиқ терак ниҳоли берди. Ҳозир тераклар буй чўзиб, барглари шивирлашиб, дуо ўқийди. Электр пайвандловчи Қаҳҳорга раҳмат. Футбол майдоннинг уй тарафига темир панжараларни пайвандлади.

Бетон плиталарни бошқаси олиб келди, кимдир машинаси билан хизмат қилди. Ариқлар таъмирланди, майдон текис, дарвоза ўрнатилган, атрофи ўралди. Навбатда эса яна икки юзта дарахт экиш режаси. Кўчат берадиган, экадиган ва унга қарайдиганлар ҳам бор.

Стадион қурилди. Бозор иқтисоди, ҳаммасини пулга чақсақ бор-

ми, ярим миллион сўмлик иш бажарилди.

Ҳозир бу стадионда болалар тўп тепади. Жамол акага учрашиб, шу хайрли иш хусусида газетага ёзмақчи бўлганимни айтдим.

— Шунга ҳам ёзиб ўтира-сизми? Бу қахрамонлик эмас, балки бурч. Маҳаллада — битта оилада яшайсанми, озгина бўлса-да кўнгилдагидай амалий иш қил. Ҳаммага иш топилади. Ҳокимият «Стадион битса, битта тренер билан спорт формаси ва тўплар берамиз» деб ваъда берган эди, балки беришар, кейин спортчи йигитлар ҳам бор-ку...

— Маҳалланинг футбол жамоаси тузишига нима дейсиз?

— Биз ҳаммасини юқоридан режалаштиришга ўрганиб қолганмиз. Маҳалладан — пастандан бошласак баракатли бўлади. Юқоридан талаб бўлса ҳисобот ва ахборот беришдек иллатни суваб ташлайверамиз. Қоғозда бажаришга жуда уста бўлиб кетганмиз. Маҳаллада катта ишлар режалаштирилган. Элдан олдин чопмайлик. Стадион бор, эртага маҳалла фалолари ва ёшлар билан учрашайлик. Вазият режага йўл кўрсатади. Ишни бошламасдан гапа рапортини бермайлик. Умид яхши, иш ҳам аъло бўлади.

Негадир мен ишонаман. «Қоратош» маҳалласидан энг ками билан йигирмата футбол командаси мусобақага чиқади...

# Юлдузлар ва шов-шувлар

## «Монреал»да қайта қуриш



Миллий хоккей лигасининг энг машҳур клубларидан бири Канаданинг «Монреал» жамоасида оммавий равишда янги-янгиланиш бошланди. Бош мураббий Ахен Вино ўз вазифасидан озод этилиб, унинг ўрнига Мишел Терен тайинланди. Клуб менежери Режан Уле ўрнига эса Андре Савер ишга таклиф этилди. Стонли кубогининг 24 бор чемпиони ҳисобланадиган «Монреал» клуби шу кунларда бор-йўғи 12 очко жамғариб, шарқий конференцияда сўнгги погонани эгаллаб турибди.

## Гажиев Маҳачқалаъда қолади



Зарба...

Ўтган йил Россия чемпионатининг олий лигасига Маҳачқалаънинг «Анжи» жамоасини олиб чиққан ва бу мавсумда доғистонликларни 4-ўринга кўтара олган Гажи Гажиевнинг яқинда клуб билан шартномаси тугаган ва у жамоадан кетармиш деган гаплар тарқалган эди. Аммо клубнинг катта мураббийи А.Марковнинг айтишича, Гажиев «Анжи» билан яна янги шартнома имзолаган. — Мақса-

димиз, янги мавсумда «Анжи»ни мамлакат чемпионатида совриндорлар сафига олиб чиқишдир, — дейди истеъдодли мураббий.

## Гвардьола «Реал»дами?



Луиш Фигу «Барселона»дан «Реал»га ўтиб кетгач, унинг «Барса»даги ҳамкори Хосеп Гвардьола ҳам пойтахтга йўл олади, деган миш-мишлар тарқалган эди. Каталонияликлар клуби директорининг гапларига қараганда, Хосепнинг «Барселона»дан кетишига ҳеч қандай асос йўқ. У клубнинг ишонган ўйинчиларидан ва шундай бўлиб қолади.

— Керак бўлса, биз унга Фигудан ҳам яхшироқ ҳамкор топиб берамиз, — дейди клуб президенти.

## Қироллар тўқнашадими?



Шахмат оламининг ҳозирги икки қироли — Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров яқин кунларда суперматч ўтказиш учун шахмат доскаси яқинига келиши мумкин.

ФИДЕ бу икки қирол ўртасида ўзига хос турнир ўтказмоқчи. Ташкилот президенти Кирсан Илюмжиновнинг айтишича, супер турнирга 100 минг АҚШ доллари тикилади. Энг қизиғи, қутилаётган турнирда партиялар сони чегараланмаган, яъни бир шахматчи таслим бўлгунча баҳслар давом этади.

— Борди-ю, томонлар таклифга рози бўлишса, бу асрнинг шахмат бўйича супер турнири бўларди, — дейди К. Илюмжинов.

## ФИФА рейтингги



Ўтган ҳафтада ФИФА жаҳон терма жамоаларининг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра Бразилия, Франция, Аргентина терма жамоалари дастлабки поғоналарни банд этишган. Мамлакатимиз терма жамоаси эса Ливандаги мағлубиятдан кейин 55 ўриндан 65 ўринга тушиб кетди. Осиё чемпиони Япония эса 34-поғонадан жой олган.

М. ЭЛМУРОДОВ тайёрлади.

• Сўров

	1			
2	3	4	5	
6	7	8	9	
	10	11		

## Сизнингча ким муносиб?

Азиз муштарий! Хабарингиз бор, 2001 йилнинг апрел ойида футбол бўйича мамлакатимиз терма жамоаси жаҳон чемпионатининг саралаш беллашувларини бошлайди. Айни кунда терма жамоа ва футбол федерациямизнинг янги раҳбарлари мазкур баҳсларда юртимиз шаънини ҳимоя қила оладиган номзодларни аниқламоқда.

Хўш, Сизнингча терма жамоамиз кийимини кийишга қайси футболчилар муносиб? Берилган рақамлар таъига футболчининг исми-шарифини ёзиб, тахририятимизга юборасиз, деган умиддамиз. Манзилимиз сизга маълум. Шундай бўлсада, телефонимизни эслатиб ўтамиз: 132-11-15.

**Классика**

Эргаш  
ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли

**Гиркўк**

Одам сутин бердим ман,  
Одамдай зийрак бўлсин деб,  
Йилки сутин бердим ман,  
Юртдан ўзиб келсин деб,  
Сигир сутин бердим ман,  
Хўжик бурун бўлсин деб,  
Хачир сутин бердим ман,  
Жони қаттиқ бўлсин деб,  
Эшак сутин бердим ман,  
Йўлга зийрак бўлсин деб,  
Кўйилки сутин бердим ман,  
Кўйдан ювош бўлсин деб,  
Эчки сутин бердим ман,  
Доим сакраб юрсин деб,  
Туя сутин бердим ман,  
Юкка бардош қилсин деб,  
Кучук сутин бердим ман,  
Хар қаердан келсин деб,  
Илон сутин бердим ман,  
Илон турли келсин деб,  
Оқдор сутин бердим ман,  
Кўп қиячи бўлсин деб,  
Кийик сутин бердим ман,  
Доим танглаб турсин деб,  
Қоплон сутин бердим ман,  
Кўп юракли бўлсин деб,  
Шернинг сутин бердим ман,  
Шердай кучли бўлсин деб,  
Йўлбарс сутин бердим ман,  
Қаҳри билан турсин деб,  
Чўчка сутин бердим ман,  
Мудом семиз бўлсин деб,  
Маймун сутин бердим ман,  
Юртга ўйин берсин деб,  
Айик сутин бердим ман,  
Имлаганим бўлсин деб,  
Филнинг сутин бердим ман,  
Фил жасади бўлсин деб,  
Гаввос сутин бердим ман,  
Умри узун бўлсин деб.

«Хушкелди» достонидон.



**Сизни ёдлаб**


«Бу кун Сизни туш кўрибман, буни қаранг, дадаси. Тахти ра- вонда ўтирибсиз. Чунонам чи- ройли кийинибсизки... Ўзим- нинг ҳам ҳавасим келиб кет- ди... Бундай кийимда Сизни қачон кўрганам сира ёдимда йўқ. Бошингизни бир ёнбошин- гизга ташлаб, жилмайиб куллуқ қилиб турибсиз. Бу туш эмас, гўё рўё эди. Таваллудингиз- нинг тўксон йиллиги бу кун бутун мамлакатимизда кенг нишонланаётгани Сизга аён бўлган чоғи. Ўғил-қизларин- гиз, келин, кувларингиз- нинг елиб-югуриб тайёргар- лик кўраётганидан воқиф бўлгансиз. Ҳаёт бўлганин- гизда Сизни эъзозлаб, хур- матлаб шундай тахти раво- нага ўтказиб, пойингизни гул- лар билан буркаган бўли- шарди, албатта. На илож, ўлим ҳақ экан.

Бу кун бир нарсага ий- мон келтираман. Мен ҳаёт- да Сиздек камтар, пок юрак, инсон қалби тугёнла- рини тез сезиб, илғаб олу- чи Соиб Хўжаевдек улуг санъаткор билан яшаганим- дан Яратганга шукрона ай- таман. Сизни танлашда ян- гилишмаган эканман. Гоҳо мендан сўраб қолишади: «Файзихон ая, санъаткор- нинг жуфти ҳалоли бўлиш яхшими, ёмонми» деб. «Чи- даганга чиқарган-да», дея ҳазил қиламану, ўзим ўйга толаман-да...

Бу турмушда нималар бўлмайди, дейсиз. 13-14 ёш- лардан Мирокил Миршоҳидов, Тамарахонимлар этагини тутиб, санъатга кириб келган Соиб Хўжаев менга уйланганларида анча танилиб қолган ижодкор эдилар. У кишининг юзларида, назаримда, аллақандай жозиба бор эди. Кўзлари кулиб турар- ди, ҳаммаша...

Фарзандлар туғила бошлади, у киши эса ижод қилишлари, сахнага чиқиб рол ўйнашлари керак. Бу ёқда рўзгор, болалар тарбияси бор. Бир нарсани аниқ билардимки, Соиб ака сахна учун яратилган инсон. У киши янги бир образни қойилмақом қилиб ижро этиб, ўйга келган- ларида юзларида нур пайдо

бўларди. Шу нурга мен имко- ният яратмасам, у сўниши ҳеч гап эмас эди. Ўйлаб-ўйлаб охи- ри қароримни ўзларига масла- ҳат солдим. «Ҳаёт бир текисда кетмайди, болалар тарбияси ун- дан-да оғир, буларнинг барча- сини зиммангизга юклаб, Сиз- ни кийнаб қўймаманми, аяси», дедилар. Аёлнинг аёллик вази-



Таваллудининг 90 йиллигига

Соиб Хўжаев эмас, яратган об- разлари номи билан эслашади. Бахтиёрнинг отаси, «Тошболта ошиқ», дегандай...

Гоҳо болаларим «Ая дадам- ни Рисолат парига рашк қил- маганмисиз? Шу ролларида жуда эшилиб, ҳақиқий ошиқ бўлиб кетардилар-да», деб қолишади. «Шундоқ одамни рашк қилмай бўлармиди», дейман ҳазил аралаш. Бўларди, қайси аёлда рашк бўлмайди, бўларди менда ҳам. Лекин Соиб Хўжаев- даги одамийлик, самимий- лик, ўртамаздаги ишонч мендаги рашк учкунлари- ни ўчириб юборарди. «Оилада Рисолат пари ўзингиз-да, аяси», дея бир кулиб қўйсалар бас, мен ҳам шунга маст бўлиб юра- верардим.

Бу дунёда инсондан қоладигани яхши ному, солиҳ фарзандлар экан. Ал- ҳамдулilloҳ фарзандлари- миз ҳам ўзларининг кўнги- ларига тортиб, мўмин- қобил, бир касбнинг боши- ни тутган ўғил-қизлар бўлиб етишишди. Аслида ўзлари уларга «университет» эдилар. Набиралар кўпай- ди. Фақат авараларни кўриш буважонисига насиб айла- мади. На илож, у дунёла- рини берган бўлсин, Ярат- ган эгам, шафқатидин да- риг тутмасин. Мана бугун ўйимиз тўри бўш, деб ўки- наётган эдим. Йўқ, худди тушим- дагидек, тахти равонда ўтириб- дилар, савлат тўкиб, назарим- да. Болажонларимнинг бири- нинг овози, бирининг қаҳқаҳаси, яна бирининг жилмайиши, уни- сининг йўталиши, ҳўв анависи- нинг «аяси» дейиши — ҳаммаси Соиб Хўжаевни — фарзандла- римнинг отажониси, Сизни шун- доқгина ёдлатиб турибди. Шу- нисига минг шукр. Буни қаран- ки, дадаси туш баҳона шунча нарсаларни эслабман-а. Ҳали замон меҳмонлар келишади-ку, Сизни кутлагани. Уларни кутиб олай... Бир пиёла хотира чойи- га келинлар, азизлар, қутаимиз.

**Файзихон аянинг дилларидагиларни оққа кўчирувчи Умида ФАЙЗИЕВА.**

фаси турмуш ўртоғининг мам- нун чехраси. Шунда у киши «Ижодимнинг муваффақияти фақат Сиз билан, аяси. Менга юкланган сиймоларни меъёри- га етказиб ўйнашимда Сизнинг меҳрингиз, ҳамнафаслигингиз ҳаммаша бу камина кулингизга мадад бўлгуси», дея бир ажой- иб кулгу қилгандилар. Ҳали бу кулгу кулоқларим остида жа- ранглайди...

Ўх-хў, у киши яратган образ- ларининг хилма-хиллигини айт- майсизми. Ҳали у тоифа, ҳали бу тоифа, бир қарасангиз раис бува, бир қарасангиз хизматкор, ота бўлиб ўйнаганларию қанча. Ўзлариям, санъатлариям бетак- рор эди, ўйнаган роллариниям гўё ўзлари билан олиб кетди- лар-да. Ун саккиз йил бўлди, ўтганларига ҳали-ҳануз уларни


1. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш санъати.
2. Ип-ипак аралаш газлама.
3. Дарёга номдош вилоят.
4. Ўзбек халқ эртаги.
5. Миллий ширинликлар ишлаб чиқарувчи хунарманд.
6. Қимматбаҳо ипак симли газлама.
7. Фарбий Африкадаги Сьерра Леоне давлати пойтахти.
8. Ўзбек маърифатпарвар шоираси.
9. Асарнинг бошланиш қисми.
10. П. Қодировнинг «Алоқлар довои» романи қаҳрамони.
11. Томоша асарларини сахналаштирувчи санъаткор.
12. Ўзбек халқ достони.
13. Қозғистондаги қишки спорт иншооти.
14. Қимматбаҳо маъдан.
15. Сўз устаси.
16. Ер шарининг маълум қуруқлик қисми.
17. Қизил рангли мато.
18. Қуёш тизимидаги сайёра.
19. Миллий ширин- лик тури.
20. Спорт, гимнастика анжолми.
21. Ип ўрами.
22. Қадимий пойтахтдаги қаср.
23. Спорт соврини.
24. Хоккей ўйинининг ватани.
25. Азот билан водород бирикмасидан иборат ўткир ҳидли модда, саноат ашёси.
26. Асли генуялик ўрта аср денгиз сайёҳи.
27. Тожикистондаги тоғлик маскан.
28. Инерт газ.
29. Бокс мусобақаси- даги ҳолат.
30. Дала меҳнаткаши иштиёридаги ер.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

18 ноябрда берилган «Айланма кроссворд»нинг жавоблари:

Белгиланган хонадон рақам атрофига соат мили йўнали- шидо: 1. Песо. 2. Қавс. 3. Гўжа. 4. Улан. 5. Зира. 6. Алиф. 7. Тико. 8. Ватт. 9. Жума. 10. Жуна. 11. Аруз. 12. Улоқ. 13. Дина. 14. Твен. 15. Марв. 16. Ажам. 17. Қазн. 18. Қари. 19. Назм. 20. Зеби. 21. Ромб. 22. Нома. 23. Кува. 24. Уран. 25. Базм. 26. Бино. 27. Манн. 28. Нота. 29. Овал. 30. Сано. 31. Авар. 32. Эрон. 33. Неон. 34. Бета. 35. Балл. 36. Сеул.

**Чайнкроевворд**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вази- рлиги раҳбарияти ва жамоаси Давлат тест маркази таркибидоги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари ат- тестацияси бошқармаси бошлиғи вази- фасини бажарувчи Ҳасан ЭШМАТОВ укаси  
**Тоҳиржон ЭШМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Телевидениеси жамоаси «Ахборот» дирекцияси режиссёри Абдуваҳоб Қодиров- га турмуш ўртоғи  
**Муҳтабар ҚОДИРОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шах- сий таркиби Марказий божхона экспертиза лабо- раторияси бошлиғи Муҳаммаджон Раҳимжоновга рафиқаси

**Эътибор РАҲИМЖОНОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия из- хор этади.

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши  
ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
**Э. БОЛИЕВ**  
(масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
**М. ЕГОРОВ**  
(масъул котиб — «Народное слово»),  
**Ш. ЖАББОРОВ**  
(бош муҳаррир ўринбо- сари — «Халқ сўзи»),  
**С. ЗИНИН**,  
**М. МИРАЛИМОВ**,  
**С. МУХИДДИНОВ**,  
**Ш. РИЗАЕВ**,  
**М. САФАРОВ**,  
**Р. ФАРҲОДИЙ**,  
**И. ХУДОЁРОВ**,  
**И. ШОҒУЛОМОВ**,  
**О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ**  
(бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
**Ў. ҲОШИМОВ**.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**  
Буюртма Г — 916,  
18042 нусхала босилди,  
ҳажми — 2 табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II max компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ**.  
Навбатчи муҳаррир — **О. РАҲИМОВ**.  
Навбатчи — **Ҳ. КАРИМОВ**.  
Мусахҳих — **А. САТТОРОВ**.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00  
топширилди — 2 00  
1 2 3 4 5 6